

ҒОЯ

Демографик дивидендни кафолатлашнинг муҳим чораларидан бири меҳнат бозоридаги ҳозирги ва келажакдаги талабни баҳолаш учун сунъий интеллект элементларига эга бўлган платформа яратиш орқали барча манфаатдор томонларни (олий ўқув юртлари, иш берувчилар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари, ҳудудлар ва соҳалар раҳбарлари) тизимли равишда хабардор қилиш.

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти мазкур йўналишда манфаатдор тарафларни ҳамкорликка чақриб қолади.

✉ lm@imrs.uz

☎ +998 (55) 520-00-17 (131)



Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Меҳнат бозори ва кадрлар тайёрлаш тизимини ўзаро мувозанатлаштиришган ҳолда ривожлантириш масалалари

КИРИШ

Иш берувчилар ва иш изловчилар ўртасидаги маълумотларнинг нотекис тақсимланиши - ахборот асимметрияси меҳнат бозори динамикасини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Идеал ҳолатда, яхши хабардор иш берувчилар корхона талабларига тўла мос келадиган кўникма, тажриба ва интилишларга эга ходимларни осонликча аниқлаб ишга олишлари, иш изловчилар эса ўз малакаси ва афзалликларига энг мос лавозимларни самарали топиб, уларга муружаат қилишлари керак эди.

Бироқ ахборот асимметрияси туфайли келиб чиқадиган номутаносиблик нафақат мақбул мослаштириш жараёнига тўсқинлик қилади, лавозимларни тўлдириш ва муносиб иш топиш учун зарур бўлган вақтни узайтиради, балки инсон капиталини нотўғри тақсимлаш хавфини ҳам туғдиради. Натижада, ходимлар ўз салоҳиятларидан тўлиқ фойдалана олмайдиган лавозимларда қолиб кетадилар, иш берувчилар эса меҳнат унумдорлиги пасайиши муаммосига дуч келадилар (Жианг ва Зен, 2023 ;Колпин ва Сингелл, 1997). Бу эса узоқ муддатда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга сезиларли таъсир ўтказади.

Пировардида, ахборот асимметриясининг меҳнат бозори номутаносиблигига таъсирини тушуниш меҳнат бозори маълумотларининг шаффофлигини оширадиган, иш ўринларининг мувофиқлик сифатини яхшилайдиган ва умумий иқтисодий самарадорликни рағбатлантирадиган сиёсат ҳамда институционал асосларни ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда ахборот асимметриясининг иқтисодий ва меҳнат бозоридаги аҳамияти ҳақида бир қанча муҳим тадқиқотлар олиб борилган. Булардан:

- Жорж Акерлоф 2001 йилда ахборот асимметриясини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари учун иқтисодий соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлди.
- Питер Даймонд, Дейл Мортенсен ва Кристофер Писсаридеслар 2010 йилда меҳнат бозори моделлари устидаги ишлари учун мукофотландилар.
- Пол Ромер 2018 йилда Нобель мукофотига лойиқ деб топилган эндоген ўсиш назарияси доирасида технологик ривожланиш фониди касбий малакаларни мувофиқлаштириб бориш муҳимлигини кўрсатиб берган.

АХБОРОТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДА УЛАРНИНГ МАДАНИЯТИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА ТУРЛИЧА ШАКЛЛАНГАН. АХБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ШАКЛИНИНГ ҲИССИЁТГА БОҒЛИҚ РИВОЖЛАНИШИ ИРРАЦИОНАЛ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА САБАБ БЎЛИШИ МУМКИН.

Япон рекламаси кўпинча электроника, тиббиёт ва косметика каби соҳаларда маҳсулотларнинг функционал устунликлари ва илмий асосларига эътибор қаратади. Котлер ва Келлернинг (2012) маркетинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, япон истеъмолчилари ғарбликлардан кўра мантиқий далиллар ва исботларга кўпроқ эътибор беришади. Япония рекламаси бўйича ўтказилган тадқиқот шуни аниқладики, япон истеъмолчилари илмий маълумотларни брендга ишончнинг муҳим элементи сифатида қабул қилишади (Тақаҳаши, 2009).

Ғарб рекламаси эса фаол равишда ҳиссий таъсир қилувчи омиллар, шахсий ҳикоялар ва таъсирчан образлардан фойдаланади. Де Мооиж (2019) томонидан ўтказилган глобал реклама таҳлили шуни кўрсатадики, япон рекламаси маҳсулотларни функционаллиги орқали тақдим этишга кўпроқ мойил бўлса, АҚШда эса ҳиссий кечинмалар ва ассоциацияларга урғу берилади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ахборот тақдим этиш шаклининг ҳиссиётга боғлиқ ривожланиши иррационал қарорлар қабул қилишга сабаб бўлиши мумкин (Виктор ва Катарзйна Санак-Космовска, 2021).

Юқоридагиларга мисол қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- *Технологик реклама (Sony, Panasonic)*: Япон компаниялари кўпинча техник хусусиятлар ва мантиқий далиллардан фойдаланади.
- *Автомобиль рекламаси (Toyota)*: Япон рекламасида самарадорлик ва инновацияларга урғу берилса, АҚШда эркинлик, мавқе ва ҳис-туйғуларга эътибор қаратилади.

Яъни таълим контекстида, 18 ёшлик бола ва унинг ота-онаси таълим муассасаси ёки касб йўналишини танлашда ҳиссиётларга асосланган реклама ёки тавсия асосида эмас, рационаллик билан меҳнат бозори ҳолатини тасаввур этиб амалга ошириши керак. Бунинг учун авваламбор унда меҳнат бозоридаги бугунги ва келажакдаги талаб ҳақида тушунча бўлиши керак.

ИШ БЕРУВЧИЛАР ЎРТАСИДА ИШЧИ КУЧИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ДОИМИЙ РАВИШДА СЎРОВЛАР ЎТКАЗИШ МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ КАСБ ВА КЎНИКМАЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ ТАҲЛИЛИ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА, БАНДЛИК ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИ.

Ривожланган мамлакатларда иш берувчилар ўртасида ишчи кучига бўлган талабни баҳолаш бўйича доимий равишда сўровлар ўтказилади. Меҳнат бозоридаги касб ва кўникмаларга бўлган талаб таҳлили таълим дастурлари ишлаб чиқишда, бандлик ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштиришда фойдаланилади.

Маълумот учун: Германия, Польша, Финляндия ва бошқа бир қатор мамлакатларда ишчи кучига бўлган талабни аниқлашга қаратилган бандлик барометрлари доимий равишда иш берувчилар орасида онлайн сўров ўтказиш орқали шакллантирилади.

МЕҲНАТ БОЗОРИДА ИШЧИ КУЧИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИНГ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМАГАНЛИГИ НАТИЖАСИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТАЛАБ ПАСТ БЎЛГАН КАСБЛАРГА ЎҚИТИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ КУЗАТИЛМОҚДА.

Ўзбекистон меҳнат бозорида эса ишчи кучига бўлган талабни мутахассисликлар кесимида ўрганиш тизимли йўлга қўйилмаган, натижада ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасида номутаносибликлар юзага келмоқда. Хусусан, 2023 йил натижаларига кўра, ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш марказларида таълим олганларнинг 62% нинг бандлиги таъминланган бўлса, уларнинг бор йўғи 40% ўқитилган касби бўйича ишга жойлашган. Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабнинг чуқур ўрганилмаганлиги натижасида таълим муассасалари томонидан меҳнат бозорида талаб паст бўлган касбларга ўқитиш тенденциялари кузатилмоқда.

Ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан маҳаллий меҳнат бозорида ишчи кадрларга бўлган талабни аниқлаш учун


КАСБЛАРГА БУГУНГИ КУНДАГИ ТАЛАБ

умумий талабга нисбатан фоизда

Иқтисодиёт тармоқлари

- Таълим
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Қурилиш
- Профессional, илмий ва техник фаолият
- Ишлаб чиқариш саноати
- Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Бошқа
- Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш

Бугунги кунда талаб юқори бўлган топ 30 касблар*, фоизда



*Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан маҳаллий меҳнат бозорида жами 172 та касблар бўйича ишчи кадрларга бўлган талабни аниқлаш учун республиканинг 180 та туман ва шаҳарларидан жами 7 700 дан ортиқ иш берувчилар орасида ўтказилган сўров натижалари асосида касбга нисбатан

республиканинг **180 та туман ва шаҳарлари**дан жами **7 700 дан ортиқ иш берувчилар** орасида сўров ўтказилди ва меҳнат бозорининг қуйидаги асосий хусусиятлари аниқланди:

СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ:

1. Мамлакатдаги энг кўп талаб асосан савдо мутахассислари ва онлайн сотувчиларига оид ҳисобланади (умумий талабнинг 5,8%).
2. Кейинги ўринларда қишлоқ хўжалиги ва саноат ускуналари механиги (1,7 %), қишлоқ хўжалиги ва қурилиш техникаси мутахассислари (1,4 %), трактор, бульдозер, комбайн ҳайдовчилари (1,4 %), агрономлар (1,3 %), каштачи, тикувчи ва тўқувчиларга (1,7 %) талаб юқори.
3. Нисбатан пастроқ талаб (1,2 %) таълим муассасаларидаги хорижий тиллар (инглиз, немис, корейс ва бошқа чет тиллар), математика ва IT ўқитувчиларига оид.
4. Давлат ва хусусий секторга тегишли корхоналарда умумий персоналга тегишли мутахассисликлар орасида маркетинг, дастурчи, бухгалтер, кадрлар билан ишлаш бўйича ходимларга талаб юқори.
5. Малака талаб этмайдиган фаррош, боғбон ва ҳайдовчи каби касбларга ҳам талаб юқори бўлиб, бу соҳада ойлик маошлар камлиги сабабли кадрлар қўнимсизлиги юқори даражада.
6. Талаб паст бўлган касблар сирасига айрим йўналишлардаги тадқиқотчи ва университет ўқитувчилари, кон-металлургия корхоналари техник ходимлари, ҳуқуқшунослар (0,01 %) киради.
7. Келгуси 6 ойда талаб юқори бўлиши кутилаётган касблар ҳозирги ҳолатдан кескин фарқланмайди.
8. Корхона ва ташкилотларнинг ярмидан ортиғида ишчи ходимлар сони сўнгги 1 йил ичида ортган (иш берувчиларнинг 52 % ходимлар сони ошганини, 42 % ўзгармаганини ва 6 % эса камайганини билдирган).
9. Ходимлар сонининг нисбатан кўпроқ қисқариши молия (туман иқтисодиёт, молия, ғазначилик, пенсия, камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари) ва санъат (худудий маданият ташкилотлари) соҳасида юз берган.
10. Умумий овқатланиш (63 %), таълим (60%), саноат (57%), қурилиш (56%) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (55%) соҳаларида респондентларнинг ярмидан ортиғи ишчилар сони ортганини таъкидлаган.

ХУДУДЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикасида бугунги кунда энг юқори талаб муסיқачилар, қўшиқчилар ва бастакорлар (5,7%), иқтисодиёт, молия, суғурта, банк, бўйича ўрта бўғиндаги мутахассислари, шу жумладан кассирлар (3,5%), мактабларда чет тили (2,6%), математика, алгебра, геометрия ўқитувчилари (1,4%) ва молия таҳлилчиларига (1,7%), эканлиги аниқланди.

Андижон вилоятида энг юқори талаб тикувчи, каштачи ва тўқувчиларга (6,2%), савдо мутахассисларига (3,1%), трактор, бульдозер ҳайдовчилари, комбайнчиларга (3,2%), мактаб ва коллеж ўқитувчилари (1,8%), биологлар, ботаниклар, зоологларга (1,5%) шаклланган.

Бухоро вилоятида тикувчи, каштачи ва тўқувчиларга (5,0%), савдо мутахассисларига (4,3%), трактор, бульдозер ҳайдовчилари, комбайнчиларга (3,5%), механик муҳандислар, дизайн муҳандислар, технологик муҳандислар (3,2%), логистика мутахассисларига (2%) талаб юқори эканлиги аниқланди.

Жиззах вилоятида савдо мутахассисларига (4,9%), агрономлар, биолог, ботаник, зоологларга (2,5%), тикувчи, каштачи ва тўқувчиларга (2,1%), мактаб, коллеж ва ўқув марказларида математика, алгебра, геометрия ўқитувчиларига (1,5%), прорабларга (1,4%) талаб юқорида даражада шаклланган. Қашқадарё вилоятида энг юқори талаб савдо мутахассисларига (7,3%), мактаб, коллеж ва ўқув марказларида математика, алгебра, геометрия фани ўқитувчиларига, логистика мутахассисларига (2,3%), қишлоқ хўжалиги ва саноат ускуналари механиги ва таъмирловчисига (2,1%), агрономларга, новвой, қандолатчиларга (1,9%) эканлиги аниқланди.

Навоий вилоятида савдо мутахассисларига (3,8%), тикувчи, каштачи ва тўқувчиларга, бетончиларга (2,1%), агрономларга (1,7%), прорабларга (1,7%) юқори даражада эканлиги аниқланди. Наманган вилоятида тикувчи, каштачи ва тўқувчиларга (5,5%), савдо мутахассисларига (2,9%), қишлоқ хўжалиги ва саноат ускуналарини таъмирловчиларига (2,0%), логистика мутахассислари ва инглиз тили ўқитувчиларига (1,7%) талаб юқори.

Самарқанд вилоятида савдо мутахассисларига (4,1%), қишлоқ хўжалиги усталарига (4,0%), трактор, бульдозер ҳайдовчиларига, комбайнчиларга (3,1%), қишлоқ хўжалиги ва саноат ускуналарининг механиги ва таъмирловчиларига (2,6%), механик муҳандисларга (1,8%) талаб юқори даражада.

Сирдарё вилоятида савдо мутахассисларига (4,0%), биолог, ботаник, зоологлар, трактор ва бульдозер ҳайдовчилари, комбайнчиларга (1,7%), қишлоқ хўжалиги ва саноат ускуналарининг механиклари ва таъмирловчиларига (1,1%) талаб юқори.

Сурхондарё вилоятида бугунги кунда савдо мутахассисларига (5,5%), қишлоқ хўжалиги ва саноат ускуналарини таъмирловчиларига, молиячиларга (1,8%), агрономларга (1,6%), биолог, ботаник, зоологларга (1,5%) талаб юқори.

Тошкент шаҳрида савдо мутахассисларига (10,4%), тикувчи, каштачи ва тўқувчиларга (2,2%), логистика бўйича мутахассис, механик муҳандислар, дизайн муҳандислари, технологик муҳандисларга (2,0%), прорабларга (1,8%) официантларга (1,4%) талаб юқори даражада эканлиги аниқланди.


Тошкент вилоятида механик муҳандислар, дизайн муҳандислари, технологик муҳандисларга (9,1%), мактабларда математика, алгебра, геометрия ўқитувчиларига (4,9%), қишлоқ хўжалиги ва саноат ускуналарининг механик ва таъмирловчиларига (2,3%), тикувчи, каштачиларга (2,3%), савдо мутахассисларига (1,5%) талаб юқори.

Фарғона вилоятида савдо мутахассисларига (10,2%), логистика мутахассисларига (3,5%), ошпазларга (3,1%), қишлоқ хўжалиги ва саноат ускуналарини таъмирловчиларига (2,3%), нонвойлар, қандолатчиларга (2,1%) талаб юқори.

Хоразм вилоятида математика, алгебра, геометрия (4,0%), инглиз тили (3,9%), рус тили ва адабиёти фанлари ўқитувчиларига (2,2%), иқтисодиёт ва молия бўйича ўрта бўғин мутахассисларига (1,8%), фалсафа, психологик, социологик, тарихий ва сиёсий фанлар бўйича университет ўқитувчиларига (1,0%) талаб юқори даражада шаклланган.

КАСБЛАРГА БУГУНГИ КУНДАГИ ТАЛАБ*

Худудлар кесимида тақсимот



*Макроиқтисодий ва худудий тадқиқотлар институти томонидан маҳаллий меҳнат бозорига жами 172 та касблар бўйича ишчи кадрларга бўлган талабни аниқлаш учун республиканинг 180 та туман ва шаҳарларидан жами 7 700 дан ортиқ иш берувчилар орасида ўтказилган сўров натижалари асосида касбга нисбатан

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Jiang, M. and Zen, K. (2023). Information Asymmetry in Job Search. [online] Available at: https://econ.columbia.edu/wp-content/uploads/sites/32/2021/03/IAJS_JMP_Jiang.pdf.

Kolpin, V. and Singell, L. (1997). Asymmetric Information, Strategic Behavior, and Discrimination in the Labor Market. *Economic Theory*, 10(1), pp.175–184. doi:<https://doi.org/10.2307/25055030>.

Kotler, P. and Keller, K.L. (2021). *Marketing management*. 16th ed. Boston: Pearson.

Marieke K De Mooij (2019). *Consumer behavior and culture : consequences for global marketing and advertising*. Los Angeles: Sage.

Takahashi, T. (2009). *Audience Studies*. Routledge.

Wiktor, J.W. and Katarzyna Sanak-Kosmowska (2021). *Information asymmetry in online advertising*. Milton Park, Abingdon, Oxon ; New York, Ny: Routledge.